



Tadqiqot **UZ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
5-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-5**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-5**



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

1. Тошпўлат Матибаев,
КОНСТИТУЦИЯ – ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ГАРОВИ 7



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

КОНСТИТУЦИЯ – ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ГАРОВИ

*Тошпўлат Матибаев,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати, социология фанлари
доктори, профессор “Маҳалла ва оила”
илмий-тадқиқот институти лойиҳа
бош мутахассиси
e-mail: tashpulat@mail.ru*

*“Маҳалла катта ижтимоий куч
сифатида майдонга чиқиши керак”¹
Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республика Президенти*

Аннотация. Ушбу мақола Конституцияга маҳалланинг обод ва хавфсиз қафолати сифатида қаратилган. Шунингдек, “шахс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкilot-жамият-давлат-цивилизация” тизимидаги турли жиҳатлар, хусусан инсон эркинлиги ва ҳуқуқлари, хусусан, инсон муносабатлари таҳлил қилинади. Шундай экан, фуқароларнинг маҳаллага ва унинг имкониятларига бўлган ишончини ошириш жуда муҳимдир.

Калит сўзлар: Конституция, маҳалла, хавфсиз гарови, ишонч, имкониятлар

Аннотация. В данной статье основное внимание уделяется Конституции как процветающей и безопасной гарантией для махалли. Также проанализированы различные аспекты, в частности свобода человеческого духа, права и свободы человека, в особенности человеческих отношений в системе «человек-семья-махалля-образовательное учреждение-организация-общество-государство-цивилизация». Поэтому, очень важно повысить доверие граждан к махалле и его возможностям.

Ключевые слова: Конституция, махалля, безопасная гарантия, доверие, возможности

Annotation. This article focuses on the Constitution as a prosperous and safe guarantee for the mahalla. Also, various aspects are analyzed, namely, the freedom of human spirit, human rights and freedoms, in particular human relations in the system “person-family-mahalla-educational institution-organization-society-state-civilization”. Therefore, it is especially important to increase citizens’ confidence in the mahalla and its capabilities.

Key words: Constitution, mahalla, safe guarantee, confidence, capabilities

Юртимизда эркин, озод инсоннинг демократик жамиятдаги ўрни ва роли масалалари том маънода мустақилликдан сўнг ўрганила бошланди. Муаммонинг турли жиҳатлари, хусусан инсон руҳи эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, инсонлараро муносабатларнинг “шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкilot — жамият — давлат — цивилизация” тизимидаги ўзига хосликлари охириги йилларда анча теран таҳлил қилинмоқда. Обод маҳалла, шубҳасиз, обод хонадон, кўчадан бошланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур масалага кўп бора тўхталаётгани боиси ҳам шунда. Азалдан маҳалла институти юртимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ёшларни миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар — дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнига залворли ҳиссасини қўшиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан миллий давлат-

¹ <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-yangi-vazirlik-tashkil-etish-togrisida-taklif-bildirdi>



чилигимиз тарихида биринчи мартаба маҳалла конституциявий институт мақомига эга бўлди. Асосий Қонуннинг 32-моддасида¹ фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда гашкил этиш йўли билан амалга оширилишига оид норма ўз ифодасини топди.

Конституциямизда ва қонунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига доир асосий принциплар ва нормаларнинг мустаҳкампаб қўйилиши, ҳукуматимиз томонидан маҳалла нуфузини ошириш нафақат иқтисодий, ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масала сифатида баҳоланганлиги натижасида у аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоат назоратини таъминлаш, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўринга эга бўлган институтга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат органлари ўз фаолиятдан жамоатчиликни доимий равишда хабардор қилиб туриши, фуқароларнинг турли сўров ва мурожаатларига ўз вақтида, аниқ жавоб қайтариши белгиланган. Шу билан бирга, жамоатчилик назорати йўлга қўйилди. Худудларда фуқаролар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, турли йиғинлар, учрашувларда, жамоатчилик эшитувлари орқали мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида дахлдорлик туйғусини ҳис этиб, ўз таклифи ва танқидий фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилмоқдалар. Натижада жойларда турли даражадаги муаммолар очиқ-ошқора ўрганилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар самарали бартараф этилмоқда.

Олий Мажлиснинг ўтган йиллардаги фаолияти натижасида ўнлаб кодекслар, кўплаб қонунлар, қарорлар қабул қилинган, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Албатта, мамлакатдаги қонунчилик фақат қабул қилинган қонунлар сони билан белгиланмайди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар талаб даражасида эмас”².

Маҳалла институти чет эл тажрибасини андоза қила олмайдиган ягона тизимдир. Буни хорижлик экспертлар ҳам эътироф этиб, уни ўрганиш кераклигини таъкидлайдилар. Хусусан, ўтган йили АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Франция каби давлатларда намойиш қилинган “Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва ҳозирги кун”³ ҳужжатли

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

² «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.

³ Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –592 б.



фильм тақдимоти ҳам ўзбек маҳалласи ҳақиқий маънода халқчиллиги, адолат масканига айланганлигининг исботидир. Шу билан бирга, ютуқлар билан бирга сўнгги йилларда халқимиз менталитетига зид бўлган ҳолатлар, жумладан, пароканда оилалар, қаровсиз болалар, ҳуқуқбузарликлар, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учраётганлиги ачинарли ҳолдир. “Оила – муқаддас” деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз завол топар экан, бу каби оғриқли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир.

Лекин вақтлар бўлдики, маҳалла юки ортиб кетди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига 200 дан ортиқ вазифалар юкланганлиги, лекин уларни бажариш учун бор-йўғи икки штат бирлиги ажратилганлиги, жамоатчилик асосида номига ишлаб келган ўнга яқин турли комиссиялар фаолияти, маҳалла ҳисоб рақами очилган-у лекин унга пул тушириш механизмлари ишлаб чиқилмаганлик ҳолатлари маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари ҳамда аҳолининг асосли эътирозларига сабаб бўлаётган эди. Энг ачинарлиси, бундай ҳолат маҳалла фаолларининг ўзига бўлган ишончини сўндирадди.

Айнан шу каби масалалар жорий йилнинг 12 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги видеоселектр йиғилишида танқидий муҳокама қилинди. Давлат раҳбари томонидан маҳалла тизимини “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ислоҳ қилиш, ушбу соҳага масъул алоҳида давлат идораси – Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш таклифи берилди¹. Эндиликда маҳалла институтининг иқтисодий-молиявий асослари мустаҳкамланмоқда, моддий-техника базаси замонавий жамламалар билан тубдан янгиланмоқда. Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг 50 дан ортиқ хос бўлмаган вазифа ва функциялари олиб ташланди. Хусусан, маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасидаги амалий тизимни самарали ташкил этиш, иморат куриш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида қурилганлигини аниқлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг эндиликда “Обод ва хавфсиз маҳалла”² тамойилини амалиётга жорий этиши, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши, азалий қадриятларни тиклашда намуна бўлиши, “Бир болага етти қўшни ота-она” тамойилини ҳаётга татбиқ қилишда жонбозлик кўрсатиши давр талабидир. Ўтган давр мобайнида маҳалла тизими фаолиятини ривожлантириш, «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизимни ҳар бир маҳаллада жорий этиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда ишни тўғри ташкил этиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан самарали фойдаланиш, ёрдамга муҳтож оилаларни кўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қанча дастур ва режалар ишлаб чиқилган.

Маҳалла вакилларининг ўз вазифаларини янада уюшқоқлик билан олиб бориши учун, аввало, ишга бўлган муносабат ва масъулиятни ошириш, ҳудудлардаги ишларни тўғри ташкил этиш, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «Маҳалла – адолат мезони эканлиги, уларнинг иши адолат мезонларига таяниши лозим»лигини ҳар доимо юракдан ҳис қилиш зарур³.

Дарҳақиқат, обод маҳалла — бу бизнинг, энг аввало, фаровон оилаларимиз, қадриятлар бешиги бўлган маҳаллада ўсиб-улғаяётган маънавий ва жисмоний баркамол ёшларимиз, кўркам кишлоқларимиз, замонавий ва файзли масканларимиздир. Аммо ўтган йиллар давомида соҳада ечимини кутаётган масалалар йиғилиб қолганди. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги эса бу

¹ <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/1056-uzbekistonning-mahalla>

² <https://adolatgzt.uz/tribune/5871>

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2020 й., 09/20/228/0444-сон



борадаги муаммоларга катта ечим бўлиш билан бирга, маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни оқилона ҳал этиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлашда бизга берилган катта имконият бўлди. Бир сўз билан айтганда, бунинг натижасида жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир оила, кўча ва маҳаллаларимизда «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойилларини кенг жорий этиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни барчамиз, аввало, ўз иш услубимиз учун асосий тамойил сифатида белгилаб олишимиз, бу ғояларни кенг жамоатчилигимиз орқали халқимиз турмуш тарзи ва маданиятига сингдиришимиз лозим¹. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида обод гўшалар, кўркам масканлар, маҳаллаларимизда намунавий хонадон ва кўчалар сони ортиб бораверади. Ана шундагина одамларимизнинг ҳаётга ишончи юксалиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучаяди. Бир сўз билан айтганда, ободлик бор жойда файзу барака, ривожланиш бўлади. Жойларда тегишли топшириқлар ижросини таъминлаш доирасида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар олиб борилмоқда ва амалий чоралар кўрилмоқда.

Мазкур хайрли ва савобли ишларга туман ва шаҳарларда ташкил этилган Нурунийлар жамоатчилиги кенгашилари аъзоларининг ҳам фаол жалб этилаётгани эътиборга молик. Шунингдек, кам таъминланган ва камбағал оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини касб-хунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш, даромад манбаини шакллантириш орқали уларни камбағалликдан чиқариш чоралари ҳам амалга оширилмоқда. Ижтимоий фаол кекса авлод вакиллари кенг жалб этган ҳолда ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар маҳалла ободлиги ва хавфсизлигига, ўз навбатида юрт тинчлиги ва осойишталигига хизмат қилади.

«Саломатлик учун беш минг қадам»² шиори остида ҳар куни кечки пайт маҳаллаларда ташаббускор нурунийлар ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирокида пиёда юриш тадбирлари ташкиллаштирилаётгани ҳам соғлом турмуш тарзини шакллантириш ишига хизмат қилмоқда.

“Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Хунарамандчилик” дастурлари доирасида маҳаллаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун арзон кредит маблағлари ажратилаётгани, бу маблағлар ҳисобига сартарошхона, новвойхона, шунингдек, хунарамандчилик, тикув, қандолатчилик цехлари, оталар чойхонаси, гузар масканлари ташкил этилаётгани ҳам юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Зеро, маҳалла фуқаролар йиғинлари “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини амалиётга жорий этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ер участкаларини ноқонуний эгаллашнинг олдини олиш, ҳудудни ободонлаштириш каби масалалар билан шуғулланмоқда.

Ҳозирда маҳаллалар зиммасига ижтимоий ҳимоя вазифаларининг юкланганлиги ўзини оқламоқда. Аммо, бу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас. Маҳалладаги кишилар турмуш тарзи ва даражасига бу муаммоларнинг таъсири маълум, аммо маҳаллалар кўпроқ моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш билан чекланиб, ижтимоий ва оилавий муаммоларни ҳал этишда етарлича фаоллик кўрсата олмаптилар. Натижада, фуқароларнинг маҳаллага, унинг имкониятларига ишончи кўнгилдагидай бўлмапти.

Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин.

¹ https://teletype.in/@mahalladosh_uz/videoselektor

² <http://mahalladosh.uz/post?id=8588>



Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://review.uz/oz/post/shavkat-mirziyoyev-yangi-vazirlik-tashkil-etish-togrisida-taklif-bildirdi>.
2. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 й., 12/1-сон, 343-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда, 35-сон, 914-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон.
3. <http://old.xs.uz/index.php/homepage/sijosat/item/1056-uzbekistonning-mahalla>.
4. <https://adolatgzt.uz/tribune/5871>.
5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.04.2020 й., 09/20/228/0444-сон.
6. https://teletype.in/@mahalladosh_uz/videoselektor.
7. <http://mahalladosh.uz/post?id=8588>.
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2020 й., 09/20/698/1487-сон.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(5-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000